



O'ZBEKISTON OVOZI

Мустақиллик биз учун — ўзлимизни англаш, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг, инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлигининг, биз кўзлаган демократик жамият барпо этишнинг гаровидир.

● 2009-йил ● 2-сентябр ● Chorshanba ● 107 (30.068) ● www.uzbekistonovozi.uz ● 1918-йил 21-йундан чиқа бoshлаган

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ 2200 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАЖЛИСДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар! Мухтарам меҳмонлар! Хонимлар ва жаноблар! Авваламбор, сиз азизларни, сизларнинг тимсолингизда пойтахтимиз аҳли, бутун халқимизни Ватанимизнинг олтин остонаси бўлмиш Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик қутлуг тўйи, улуг байрами билан чин қалбимдан муборақбод этиб, барчангизга ўзимнинг самимий хурмат-эҳтиромим ва эзгу тилақларимни изҳор этишга ихозат бергайсиз.

Ҳаммамизга маълумки, халқимизда азал-азалдан тўйга тўёна билан келишдек ажойиб бир одат бор. Шу маънода, азим Тошкентимизнинг айнан бугунги тўйига атаб барпо этилган, «Ўзбекистон» халқро анжуманлар саройи деб ном олган мана шундай мухташам ва бетакорро қошонада пойтахтимизнинг буюк санасини ўтказар эканмиз, барчамизнинг байрамона кайфиятимизга қувонч ва шукроналик туйғулари қўшилиб кетаётгани табиий бир ҳол, десам, ўйламанки, кўпчиликнинг фикрини ифода қилган бўлман.

Қадимий ва ҳаммиса навқирон Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини муносиб ўтказиш мақсадида нуфузли халқро ташкилот бўлмиш ЮНЕСКО қарори асосида ушбу юбилейни юртимизда кенг нишонлаш тўғрисида махсус қарор ва дастур қабул қилганимиздан сизлар албатта хабардорсиз.

Ўтган давр мобайнида бу санани Тошкент шаҳрининг мамлакатимиз ҳаётидаги бекиёс ўрни ва макеига мос равишда, юксак савияда нишонлаш, пойтахтимизни янада обод қилиш учун катта тайёргарлик ишлари олиб борилди. Бугун тўла ишонч билан айтиш мумкинки, бундай улкан, ҳақиқатан ҳам тарихий ишларни амалга оширишда Тошкентда бирон-бири туман, мавзё-маҳалла, меҳнат жамоаси ёки бирорта одам йўқки, бевосита ўз хиссасини қўшмаган, ҳеч бўлмаганда, ўзининг фикри, маслаҳати билан иштирок этмаган бўлса.

Бир сўз билан айтганда, мана шу давр мобайнида бу гўзал масканда, она диёримизда яшаётган, кексаё ёш барча-барча инсонлар учун Тошкентимиз нақадар сеvimли ва қадрли экани яна бир бор амалда намёнён бўлди, десам, ҳеч қандай хато бўлмайдми.

Фурсатдан фойдаланиб, азим Тошкент шаҳрининг муборақ тўйини ўтказишга муносиб хисса қўшган сиз азизларга, сизлар орқали бутун пойтахт аҳлига ўз номимдан, халқимиз номидан чуқур миннатдорлик билдиришни ўзимнинг бурчим деб биланман.

Бугун бизни ўз бағрига олган мана шу бино, чиндан ҳам, миллий меъморлик санъатимизнинг ажойиб намунаси бўлиб, унинг гўёси ва лойиҳаси, муҳандислик ечимлари, ҳар қайси устуни, ҳар қайси гишти, ички ва ташқи безаклари — буларнинг барчаси ўз кучими, ўзимизнинг мочар уста, қурувчи ва пайвандчиларимиз, етук мутахассисларимизнинг меҳнати билан бунёд этилган ҳаммамизга гурур ва ифтихор бағишлайди.

тида қабул қилиш ўринли бўлади, деб ўйламан. Мухтарам дўстлар! Шу залда ўтирган сиз, азизларнинг, барчамизнинг номимиздан бир эзгу тилакни билдириб, айтмоқчиман: ҳеч шубҳасиз, миллий бинокорлик санъати ва маҳоратининг беназир намойиши бўлмиш мана шу салобатли сарой азим ва гўзал Тошкентимиз каби дунё турғунча турсин, бугунги тантана сингари юртимизнинг энг қувончли ва шодина кунларига, илоҳим, хизмат қилсин.

Хурматли мажлис иштирокчилари! Бугун биз Тошкент шаҳрининг мана шу буюк санасини нишонлар эканмиз, бу айём Ватанимиз мустақиллигининг 18 йиллик байрами билан узвий боғланиб кетганини чуқур англаймиз. Айтиш кераки, бу ҳолнинг ўзига ҳос муҳим сиёсий, ижтимоий ва маънавий аҳамияти, маъноси бор, албатта. Нега деганда, Тошкентнинг тарихи ва бугунги ҳаётини ўзбекистоннинг тарихи ва бугунги ҳаётидан, ўзбекистоннинг келгуси тараққиётини Тошкентнинг истиқболидан ажратиб, айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди.

Шу кунларда диёримизнинг узоқ-яқин барча қишлоқ ва шаҳарларида халқимиз энг улуг ва энг азим айём бўлмиш Мустақиллик кунини катта хурсандчилик билан байрам қилаётган экан, юртимизда яшаётган, ўз тақдирини ўзбекистоннинг тақдирини ва келажagini билан чамбарчас боғлаган ҳар қайси одам ўз фикри ва зикри билан бир ҳақиқатга яна ва яна бир бор ишонч ҳосил қилади. Ёни, у ўзининг ҳаёти, оиласи, ёру биродарлари мисолида ўзбекистонимиз шу ўтган қисқа даврда босиб ўтган йўлни, амалга оширилаётган мислсиз ўзгариш ва янгиланишларни, мамлакатимизнинг куч-қудрати ортиб, унинг қиёфаси янада чирой очаётгани, халқаро майдонда обрў-эътибори юксалиб бораётганини беихтиёр ўзига тасаввур қилиши табиийдир.

Ҳақиқатан ҳам, шу байрам кунларида мустақиллик биз учун ўзлимизни англаш, ер ости, ер усти бойликларимизга эгаллик қилиш, меҳнаткаш халқимизнинг ва бугун кучга тўлиб, ҳаётга кириб бораётган ёшларимизнинг бекиёс салоҳияти ва орзу-интилишларини рўёбга чиқариш, шу муқаддас заминда демократик, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш, бир сўз билан айтганда, эртанги ёруғ кунимизни қуриш учун қандай улкан имкониятларни очиб берганини яна бир қарра шукроналик билан кўз ўнгимиздан ўтказишимиз — буюм табиий ҳол десам, ҳеч қандай мумболага бўлмайди.

Шу маънода, биз кўзлаган юксак марраларга эришиш йўлида ўтган давр мобайнида қўлга киритган натижалар ҳақида гапирганда, фақатгина охириги беш йил давомида иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланишини намёнён этадиган баъзи бир рақамларни олиб келиш ўринли бўлади, деб ўйламан.

Биргина мисолнинг ўзи, яъни кейинги, 2004-2008 йиллар давомида мамлакатимизда ялли ички маҳсулот ҳажмининг доллар ҳисобида 2,6 баробар ўсгани, ишлаб чиқарилган ялли ички маҳсулот ҳажми эса аҳоли жон бошига 2 баробардан зиёд ошгани, ҳеч шубҳасиз, иқтисодиётимиздаги туб ўзгаришлар ўзининг амалий самарасини бераётганини яққол исботлаб турибди.

Эътиборлиси шундаки, иқтисодий ўсиш суръатларини изчил

таъминлаш ва нарх-навоининг ошиб кетишига йўл қўймастик бўйича қўрилган чора-тадбирлар, ўз навбатида, худди шу даврда аҳоли реал даромадларини 4 баробар ошириш имконини берди. Сизларга яхши маълумки, бугунги кунда жаҳон миқёсида тобора кучайиб бораётган молиявий-иқтисодий инқироз оқибатида дунёнинг жуда кўп мамлакатларида иқтисодий ўсишнинг пасайиши кузатилмоқда. Минглаб корхоналар, банклар ва компаниялар банкротликка учраб, ишсиз қолганлар сонни кўпайтиб, аҳолининг турмуш даражаси пасайиб бормоқда.

Албатта, ана шу инқироз таъсирида жуда катта зарар ва талфот қўраётган давлатларнинг иқтисодиётини қўзғатар эканмиз, табиий бир савол туғилиши мумкин — бу инқирознинг Ўзбекистон учун таъсирини юмшатишга, аввало, иқтисодиётимизнинг ўсиш суръатлари ва энг муҳими, аҳолиимизнинг ҳаёт даражаси пасайишининг олдини олишга биз ниманинг ҳисобидан ва қандай қилиб эришмоқдамиз?

Шуни айтиш кераки, жамоатчилигимиз, халқимиз вакиллари, авваламбор, оддий инсонлар бу масаланинг мағзига етиб бориб, ўзининг қундалик ҳаёти ва тажрибаси асосида бу саволга жавоб топишмоқда. Юртимизнинг турли худуд ва минтақаларида бўлиб, одамлар билан учрашганда, мулоқот қилганда бунга ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Бугун биз эришаётган ютуқ ва марраларнинг асосий сабабини аввало ўзгаларга ўхшаб, бир кунлик мақсад ва манфаатни кўзла-масдан, аксинча, узоқни кўзлаб, мамлакатимиз ва халқимиз тақдирини атрофича ва чуқур ўйлаган ҳолда қабул қилинган сиёсий қарорлар ва шу асосда қатъиятлик билан амалга оширилаётган дастурларимизда кўриш зарур.

Биз қўлга киритаётган улкан натижаларнинг яна бир муҳим омили — Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин биз ҳеч қимдан нухса олмасдан, жаҳонда ўзини оқлаган тажрибани инкор этмасдан туриб, «ўзбек модели» деб ном олган ва машҳур беш принципга асосланган ўзимизга ҳос, ўзимизга мос тадрийхий тараққиёт йўлини ҳаётимизда жорий этиб келаятигимиз ва айни шу модель бугунги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозни шароитида ҳам ўзининг турғунлигини ва ҳаётбахш кучини исботлаб бераётганида, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Шу борада биз эски маъмурий-бўйруқбозлик тизимидан янги — бозор тизимига ўтиш, ислохотларни ҳаётга татбиқ этиш жараёнида «Ислохот — ислохот учун эмас, аввало инсон учун, унинг манфаатлари учун» ва шу билан бирга, «Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг» деган ҳаётий тамойилларга асосланган ҳолда иш олиб бордик.

Четдан туриб бизга турли хил танлаш пуч тавсияларини ўтказишга қаратилган ҳар қандай уринишлардан воз кечиб, ўз ақл-заковатимизни ишлатиб, ислохотларни изчил ва босқичма-босқич амалга ошириш йўлини танлаганимиз бунда айни мудоаа бўлди. Яъни, бoshкача қилиб айтганда, сирти ялтирок, ичи қалтирок, «шок терапияси»га ўхшаган, бизга номаълум бўлган усулларга берилмасдан, четдан маслаҳатчиларни олиб келмасдан, оқибатини ўйлаб, янги жамият, янги иқтисодиётни қуришда вазиимлик билан, шoшилмасдан сиёсат олиб



18 МУСТАҚИЛЛИК ЭНГ ОЛИЙ НЕЪМАТ!

бордик. Яна бир муҳим ҳулоса чиқаришга даъват этадиган масалага эътиборингизни тортмоқчиман. Давлатимиз ва иқтисодиётимизнинг узоқ давомли келажagini ва манфаатларини кўзлаб, стратегия ва устувор дастурларини амалга оширишда, бoshимиздан кечирган оғир ва кескин вазиятлардан чиқишда, бугун кўпчилик қаторида молиявий-иқтисодий инқироз таъсирини бартараф қилишда давлат бoshқарув тизими ва усулларига сўяниш ва уларнинг ролини кенгайтириш ва қўчатириш ўзини тўла оқлаб берганини ҳаётимизнинг ўзи тасдиқлаб берди ва бермоқда.

Бундай ёндашув, бундай қараш ва тажрибаларни қўллаш айни мудоаа эканини бугунги тобора кескинлашиб бораётган жаҳон молиявий ва иқтисодий инқирозни шароитида қўпгина энг йирик ва тараққий топган давлатлар учун шундай йўлни қўллаб-қувватлаётганида кузатиш қийин эмас.

Юртимизни ҳар қандай сиёсий ва иқтисодий қарамликдан сақлаш, кимгадир тобе бўлмастик учун биз халқро молиявий ташкилотларнинг маблағлари ва чет эл инвестицияларидан фойдаланишда ҳам ўта сезгирлик ва хушёрлик билан иш тутганимиз нақадар тўғри бўлганини, ўйламанки, бугун барчамиз тушуниб, англаб олмақдамиз.

Шу борада ота-боболаримиздан қолган, «бир жойга киришдан олдин чиқишни ўйлаш керак», «Биз қўлга киритаётган улкан натижаларнинг яна бир муҳим омили — Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин биз ҳеч қимдан нухса олмасдан, жаҳонда ўзини оқлаган тажрибани инкор этмасдан туриб, «ўзбек модели» деб ном олган ва машҳур беш принципга асосланган ўзимизга ҳос, ўзимизга мос тадрийхий тараққиёт йўлини ҳаётимизда жорий этиб келаятигимиз ва айни шу модель бугунги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозни шароитида ҳам ўзининг турғунлигини ва ҳаётбахш кучини исботлаб бераётганида, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Бундай фикрларни давом эттирадиган бўлсак, яна бир ҳолати алоҳида таъкидлаш лозим. Биз халқимизнинг бойлиги, шу билан бирга, келажак авлодимизнинг रिқ-насибаси бўлган табиий тахираларимиз, стратегик ресурсларимизни ўта оғир пайтларда ҳам ҳеч қачон гаровга қўйганимиз йўқ.

Айниқса, четдан таклиф қилинадиган қисқа мудоатли спекулятив кредитлардан воз кечиб, оладиган сарможаларни иқтисодиётимизни, аввало, ишлаб чиқариш соҳасини модернизация ва диверсификация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш учун ишлатганимиз ҳозирги вақтда мамлакатимизнинг салоҳиятини, эртанги кунимизнинг кафолатини мустаҳкамлаш имконини яратиб бермоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, аввало ўз кучимизга ишониб, пухта ўйланган тараққиёт моделини танлаб, келажакимизни қуришга киришганимиз, кейинги йилларда эса иқтисодиётимизни ислох этиш, эркинлаштириш ва модернизация қилиш, унинг таркибий тузилишини диверсификация қилиш борасида чуқур ўйланган сиёсатни амалга ошираётганимиз юртимизни ҳар қандай иқтисодий ҳавф-хатардан ҳимоя қиладиган кучли тўсиқ, таъбир жоиз бўлса, мустаҳкам ва ишончли ҳимоя воситасини яратди.

ТАРИХИ БОЙ, БУГУНИ ГЎЗАЛ, КЕЛАЖАГИ БУЮК ШАҲАР

«Ўзбекистон» халқро анжуманлар саройида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган тантанали мажлис бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов иштирок этди



Истиқлол эл-юртимиз учун бемисл неъматлар инъом этди. Минг йиллар давомида шакланган бой тарихимиз, меросимиз, муқаддас динимиз, миллий қадриятларимиз мустақиллик туйғулари қадр топди. Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида буюк аждодларимизнинг бетакорро илмий, маънавий меросини чуқур ўрганиш, қадимий шаҳарларимизнинг бой тарихини тадқиқ этиш борасидаги улкан ишлар ҳақли равишда жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда.

Инсоният тамадуни, жаҳон цивилизациясига бекиёс хисса қўшган шаҳарлар орасида Тошкент алоҳида макеи ва нуфузи билан ажрлиб туради. Ингирма икки асрлик ўтмишга эга шаҳар асрлар давомида улкан ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, илмий, маданий ва маърифий марказлардан бири бўлиб келган. Буюк ипак йўли чорраҳсида жойлашган, ўзининг муҳим жуғрофий ва геосиёсий ўрнига эга Тошкент ҳақли равишда «Шарқ дарвозаси» номини олган, тинчлик ва дўстлик рамзига айланган.

Тошкентнинг 2200 йиллик юбилейи Ватанимиз мустақиллиги байрами билан биргаликда нишонланаётган ўзига хос рамзий маъно бор. Зеро, Тошкентнинг тарихи ва бугунги ҳаёти юртимиз тарихи ва келажagini билан чамбарчас боғлиқ. Тошкентда Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги эълон қилинди. Шаҳарда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари, унинг тарихий, ижтимоий-сиёсий ва илмий салоҳиятини тиклашни Ўзбекистоннинг 18 йиллик мустақил тараққиёт йўли билан узвий боғлиқ.

Улуг байрамлар арафасида Тошкент шаҳрининг марказида миллий ва замонавий меъморлик анъаналарини ўзига хос манзарани яратган муҳтасар «Ўзбекистон» халқро анжуманлар саройи қад ростлади. 1 сентябрь. Соат 16.00. Муаззам саройнинг маҳаббатли зали байрамона бе-

зилган. Бу ерга мамлакат ҳукумати аъзолари, Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, хорижий давлатларнинг мамлакатимиздаги элчихоналари, халқро ташкилотлар ваколатхоналари, жамоатчилик вакиллари, фан, маданият, санъат намоёндалари йиғилган. Ийғилганлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовни қарсақлар билан қутиб олдилар. Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейига бағишланган тантанали мажлисини шаҳар ҳокими А.Тўхтаев очди.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга берилди. Президентимиз тантана катнашчиларини, бутун халқимизни Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик байрами билан қутлар экан, мустақиллик биз учун ўзлимизни англаш, ҳуқуқий демократик давлат, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш учун улкан имкониятлар очиб берганини қайд этди. Миллий давлатчилигимиз тарихида ва ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда пойтахтимиз алоҳида ўрнига ва бекиёс аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Тошкент нафақат мамлакатимиз, балки бутун минтақамизнинг юксак тараққий этган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-молиявий, маънавий-маърифий ва илмий-маданий марказидир. У дунёдаги энг гўзал пойтахт шаҳарлардан биридир. Бетакорро Тошкент кўп миллатли халқимизнинг фахри ва гурури, тинчлик-осойишталик ва барқарорлик тўсиқлидир. ЮНЕСКО Бош конференциясининг Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги 2007 йил 2 ноябрдаги 34-сессиясида қабул қилинган қарори жаҳон ҳамжамияти томонидан юртимиз тарихининг, қадимий шаҳримиз дунё тамадунига қўшган хиссасининг ўзига хос эътирофидир. Президентимизнинг 2008 йил 2 апрелда қабул қилинган «Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик қуриш ва уни ўтка-

зиш тўғрисида»ги қарорига биноан амалга оширилган ишлар пойтахтимиз макеи ва салоҳиятини янада юксалтириш, халқро миқёсда янада улугворлик касб этишига хизмат қилмоқда.

Жорий йилнинг апрель ойида ЮНЕСКОнинг Париждаги бош қароргоҳида Тошкентнинг 2200 йиллиги кенг нишонланди. Тошкентда азим шаҳримизнинг тарихига бағишланган ўтказилган халқро илмий конференцияда Осиё ва Европа цивилизациясининг турли даврларида пойтахтимизнинг тутган бекиёс ўрни дунё олимлари томонидан алоҳида таъкидланди.

Истиқлол йилларида Тошкент мустақил Ўзбекистон пойтахти сифатида ҳар томонлама юксалди. Амалга оширилган кенг қўламли ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари самарасида шаҳар қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгарди. Бу ердаги ҳар бир маскан ўзининг тарихий анъаналари, ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий салоҳиятига муносиб тарада қайта тикланди. Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан бунёд этилган ва тубдан таъмирланган бино ва иншоотлар, йўллар, турар-жойлар яхлит меъморий ечим билан алоҳида ансамблини ташкил этди. Эски шаҳарнинг қадимий илмий-маданий марказлари, Хазратни Имом (Ҳасимом) мажмуаси шаҳарнинг бой тарихидан гувоҳлик берса, Мустақиллик майдони ва унга туташ худудлар, замонавий меъморлик анъаналарини асосида бунёд этилган кўркам бинолар, замонавий меҳмонхоналар, бизнес-марказлар Тошкентнинг буюк келажagini нишонлади.

Ўрта Осиёдаги дастлабки олий ўқув юрти Тошкент шаҳрида очилган. Бугун Тошкентда фаолият кўрсатаётган қўлаб олий ўқув юртилари, замонавий коллеж ва лицейлар илм-фан, таълим ривожига катта хисса қўшмоқда.

(Давоми 2-бетда)

(Давоми 1-бетда)

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ 2200 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНАНАЛИ МАЖЛИСДАГИ НУТҚИ

Лекин бутун жаҳон миқёсида тобора чуқурлашиб бораётган инквизицион салбий оқибатларини ҳис этмаслик, бу инквизицион бизни четлаб ўтади, деган фикр ва ҳаммайдан уяриши, уйлашгани, кечириб бўлмайдиган хато бўлади.

Чунки бугунги кунда Ўзбекистон халқаро ҳамжамият ва глобал молиявий-иқтисодий бозорнинг ажралмас таркибий қисми сифатида ривожланиб бораётган ва бу жараён тобора кучайиб боришини яхши англаб олиш даркор.

Шундан келиб чиққан ҳолда, биз инквизицион дастлабки белги-аломаатлари пайдо бўла бошлаши билан сергак бўлиб, иқтисодиётимиздаги реал аҳвол ва шароитларни ҳисобга олиб, бу масала бўйича зарур таъбирларни кирганимиз, ўз вақтида эҳтиёткорлик билан иш тутиб, кенг кўламли дастурларни қабул қилганимиздан барчангиз хабардорсиз.

Шу борада кўрилайётган чора-тадбирларнинг асосий йўналишлари ва мақсадлари ҳақида гапирганда, аввало, иқтисодиётимизнинг реал секторининг юқини оsonлаштириш, солиқларини камайитириш ва давлат томонидан ёрдам бериш, ишлаб чиқариш соҳасини ички бозорнинг талаб ва эҳтиёжларини қондириш учун қаратиш, истеъмол товарларини тайёрлаётган тармоқларга, кичик бизнес ва тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатиغا кенг йўл очиб ва қўшимча имтиёзлар бериш, айниқса, қишлоқ хўжалиги соҳасини, қишлоқ тараққиётини мамлакатимиз ривожининг етакчи қуши сифатида давлат сиёсатининг устувор йўналиши даражасига кўтаришга алоҳида аҳамият беришмоқда.

Экспортга йўналтирилган қорхоналарни ҳар томонлама рағбатлантириш, уларнинг солиқ юқини кескин камайитириш, маҳсулотни реализация қилиш учун бозорларни янада кенгайтириш шулар қаторида муҳим ўрин тутди.

Инквизицион қарши чораларнинг энг асосий жиҳатларидан бири — бу транспорт йўллари ва коммуникациялар, авиалабор, социал инфратузилмани, жумладан, тоза ичимлик суви, табиий газ, электр энергияси тармоқларини, хизмат соҳаларини ривожлантириш, қишлоқ жойларда янги қурилиш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш ва шуларнинг ҳисобидан биз учун ўта долзарб вазифа бўлиши янги иш ўринларини барпо этиш масалаларига эҳтиборимиз марказида турганини таъкидлаш керак.

Жорий этилаётган дастурдан энг катта ўрин олган асосий мақсадларимиздан бири мамлакатимизнинг молия-банк, кредит тизимини янада мустаҳкамлаш, уларнинг реал секторга ижобий таъсирини кенгайтириш, ҳоржий инвестицияларни, аввало, тўғридан-тўғри инвестицияларни юртимизга олиб келиш учун керакли шароит тўғрисида бериш ва рағбатлантириш масалаларидир, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Бизнинг инквизицион қарши кўраётган ана шундай чораларимиз ҳозирнинг ўзида дастлабки, аммо ишончли натижаларни бермоқда.

Бу ҳақда кўп гапирмасдан, фақат 2009 йилнинг биринчи ярми якунларини олдидан бўлсақ, шу даврда Ўзбекистон иқтисодиётининг изчил ва мутаносиб ривожланиб, барқарор ўсиш суръатларига эришганимизни қайд этиш лозим.

Шу вақт мобайнида ялпи ички маҳсулот 8,2 фоизга, санаот маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 9,1 фоизга, товарлар экспортни ҳажми 13,4 фоизга ўсгани, шу билан бирга, инфляция даражаси 3,5 фоиздан ортмагани, амалга оширилган тадбирлар ҳисобидан мамлакатимизда 530 миңдан кўпроқ янги иш ўрни яратилгани, аҳолининг реал пул даромадлари 26,0 фоизга ўсгани буни яққол кўрсатиб турибди.

Иқтисодиётимизни ривожлантириш, уни модернизация қилиш ва техник-технологик қайта жиҳозлаш мақсадида жалб этилган инвестициялар ҳажми шу йилнинг олти ойи мобайнида 32,7 фоизга ўсгани, шу жумладан, тўғридан-тўғри ҳоржий инвестициялар ҳажми 2,6 баробар кўпайганини қайд этиш лозим.

Ўтган 2008 йилда ва 2009 йилнинг биринчи ярмида давлат бюджети профицит билан бажарилиши тўғрисида жорий йилнинг 1 августидан мехнатчиларимизнинг иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар миқдори 25 фоизга оширилгани ва ишончли, йилнинг охирига қадар ана ошириш имкониятини мавжудлигини инobatга олган ҳолда, аҳолининг бу йилги даромадлари ўтган йилгидан кам бўлмайди, деб ишонч билан айтишга тўлиқ асосларимиз бор.

Бугунги кунда халқаро ҳамжамият, жумладан, Халқаро валюта жамғар-

маси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки каби ташкилотлар, нуфузли халқаро эксперт ва таҳлилчилар Ўзбекистонда олиб борилаётган чуқур ва кенг кўламли ислохотларнинг амалий самарасини муносиб баҳолаб, ҳолисона тан олмақда.

Шу йил май ойида Тошкентда жаҳон молиявий-иқтисодий инквизицион, Ўзбекистон шароитида уни бартавраф этиш йўллари ва чораларига бағишлаб ўтказилган халқаро конференция ҳам шундан далолат беради.

Халқаро валюта жамғармаси бошқарувчи директори Доминик Стросс-Кан жаноблари юртимизда ислохотларнинг бориши билан яқиндан танишиб, жорий йилда Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўсиши дунёдаги энг юқори кўрсаткичлардан бирини ташкил этишини расман маълум қилгани ана шундай эътиборнинг яна бир тасдиғи бўлди.

Шуни айтиш керакки, биз ҳозирги вақтда нафақат инквизицион салбий таъсирини юмшатиш устида бош қотиряпмиз, шу билан бирга, инквизицион тугагандан кейин Ўзбекистон иқтисодиётининг янада кучли, барқарор ва мутаносиб ривожланган ҳолда майдонга чиқиши, жаҳон бозорини ўзимизнинг мустақкам ўрнини эгаллаш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини ошириш бўйича жиддий иш олиб бормоқдамиз.

Бу тўғрисида узок гапирмасдан, фақат битта мисолни олиб келмоқчиман.

Биз шу йилнинг бошида «2009-2014 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технология қайта жиҳозлаш бўйича муҳим лойиҳаларни амалга оширишга доир чора-тадбирлар дастурини қабул қилганимиздан хабарингиз бор, деб ўйлайман.

Бу дастурга бежонга умумий қиймати 41,4 миллиард долларга тенг бўлган тўрт юздан зиёд инвестиция лойиҳасини амалга ошириш кўзда тутилганининг ўзи бизнинг режаларимиз нақадар улкан ва жиддий эканининг далили десак, асло муболага бўлмайди.

Азиз дўстлар, биродарлар, бугун мана шундай ҳал қилувчи дамларни бошимиздан кечираётган эканмиз, эртанги кунимиз янада обод бўлиши, Ўзбекистонимизнинг ривожланган давлатлар қаторидан ҳоли олиши учун пухта ўйланган дастурларни қабул қилаётган эканмиз, ҳеч қачон кўлга қиритган оғуқлардан бошимиз айланми, оғимиз ердан эзилмаслиги кераклигини, бу йилда ҳар бир қадамни ҳақиқатан ҳам етти ўлчаб бир кесган ҳолда қийиш лозимлигини унутмаслигимиз зарур.

Бугун жаҳонда, яқин ва узок атрофимизда бўлаётган кескинлашув ҳолатлари, умуман, бутун дунёда қарашаётган ҳавф-хатар ва қарама-қаршилликлар, шулар қаторида аввало халқаро майдонда давом этаётган молиявий инквизицион ўзи бизни янада сезгир, хушёр ва оғоҳ бўлишга ва ўз вақтида тегишли хулосаларни чиқаришга давбат этади.

Биз тарихан қисқа даврда халқимизнинг фидокорона меҳнати, мардлиги ва матонати билан том маънода асрий ўзгаришларга эришганимизни бугун ҳеч ким — бизга хайрихоҳ бўлган инсонлар кам, бизга қандайдир беписанд қарайдиганлар ҳам инкор этолмайди.

Биз ўтган давр мобайнида қандай мурракб ва машаққатли йўлни бошқариб ўтган бўлсақ, эл-юртимиз ана шу оғир синов ва қийинчиликларда ҳар томонлама чиниқиб, тоблинаб, иродаси бақувват бўлиб бормоқда.

Энг муҳими, бугун бизнинг онгу тафаккуримиз, дунёқарашимиз тўдан ўзгармоқда. Биз бугун ўз тақдирини ўз қўлига олган озод халқ, эркин миллат бўлиб, ҳеч кимдан кам бўлмасдан, маърифий дунё билан бирга ҳамқадам бўлиб бормоқдамиз.

Энди биз ўтган асрнинг 90-йилларидаги одамлар эмасмиз. Юрдошларимизда ўз ери, ўз мулки учун эғалик ҳиссиёти, ён-атрофида ва дунёда юз бераётган ўзгаришларга дахлдорлик ва масъулият туйғуси тобора кучайиб бормоқда.

Ўзигини чуқур англаб, қандай буюк зотларнинг авлоди, қандай азиз ва муқаддас Ватанининг фарзанди эканидан доимо гурурланиб яшайдиган бундай бунёдкор ва бағрикенг халқ билан ҳар қандай юксак чўққиларни забт этиш мумкин. Менда бунга ҳеч қандай шубха йўқ.

Бугун бир фикрни тўла ишонч билан айтишга барча асосларимиз бор — йўлимизда қандай оғир, машаққатли синов ва қийинчиликлар бўлмасин, биз ҳеч қачон бўш келмаганимиз ва бундан кейин ҳам ҳеч қачон бўш келмаймиз!

Мухтарам юрдошлар!

Бугун Тошкент ҳақида, бу буюк шаҳарнинг нафақат Ўзбекистонимиз, балки бутун Шарқ оламидаги ўрни ва аҳамияти, унинг ўзига хос хусу-

сийат ва аломатлари ҳақида гапирар эканмиз, мен ҳам кўпчилик қатори, рухсатингиз билан, Ватанимизнинг гавҳари бўлиши бу шаҳарга ўз меҳрини билдириб, қалбимда, юрагимда бўлган ўй-фикрларим, эзгу ҳиссиётларимни изҳор этишни ўзимнинг бурчим, деб билман.

Тошкентнинг майин ҳавоси, гўзал табияти, қут-баракат ёғиладиган фусункор боғлари, зилот ва шифобахш сувлари ҳақида қандай гўзал таърифлар битилмаган. Хусусан, XVI асрда яшав ўтган тарихчи аллома Зайниддин Восифий Тошкентни улуғлаб, бу диёрни бир бор кўрган одам бамисоли жаннат боғларини кезгандек бўлади, деб ёзганда айна ҳақиқатни ифода этган эди.

Ийгирма икки аср аввал барпо этилган, Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган, ўзининг муҳим жуғрофия ва геосиёсий ўрни, дунё цивилизацияси ривожига қўшган улкан ҳиссаси билан ҳақиқат ривидида «Шарқ дарвозаси» деб ном олган Ватанимиз пойтахти — азим Тошкент серкўёш Ўзбекистонимизнинг бой тарихи ва бетакрор қўруқ тароватини ўзида яққол намоён этади.

Тошкент бугунги кунда нафақат мамлакатимиз, балки бутун минтақамизнинг юксак тараққиёт этган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-молиявий ва маънавий-маърифий марказидир. У — кудратли санаот ва транспорт-коммуникация тармоқлари, замонавий ижтимоий инфратузилмаларни ўзида мужассам этган йирик мегаполисдир.

Бу гўзал маскан шарқона қиёфа, аънанавий ва замонавий архитектура ҳамда ислом маданияти қадриятларини ноёб бир тарзда ўзаро уйғунлаштирган беқиёс шаҳардир. Бетакрор Тошкент — кўпмиллатли халқимизнинг фахри ва гурури, тинчлик-осойишталик ва барқарорлик тимсолидир.

Бу кўнашаҳар ўз тарихида не-не босқин ва синовларни кўрмади, неча бор вайрон бўлиб, гоҳ Қанқа, гоҳ Бинкат, гоҳ Мингурик, гоҳ Чоч ва Шош каби номлар билан шу тулроқда яшаган аждоғларимизнинг машаққатли меҳнати, матонати ва жасорати тўғрисида ҳар сафар қайта тикланади.

Тошкент ҳақида ўйлаганда, беихтиёр бу шаҳар нима учун айнан шу ерда, шу заминда пайдо бўлган, деган савол тўғрисида.

Бизгача етиб келган илмий маълумотларни қиёслаб, умумлаштириш ҳолда фикр юритадиган бўлсақ, Тошкентнинг шаҳар сифатида вуजूдга келиши ва шаклланиши объектив тарихий зарурат натижаси бўлганини таъкидлаш лозим.

Милоднинг дастлабки асрларига оид хитой манбаларида Ши, яъни «тош шаҳар» деб тилга олинган бу ўлка тарихчи олиملарнинг фикрларига кўра, минтақамиздаги энг қадимий одамзот манзилгоҳларидан бири ҳисобланади.

Маълумки, қадим замонларда шаҳарларнинг пайдо бўлишида аввало химё ва таъминот масаласи ҳал қилувчи ўрин тутган. Шу маънода, Тошкентнинг Чотқол ва Қурама тоғ тизмалари билан ўралган худудда, азим Сирдарё ва Чирчиқ дарёларининг сервус соҳилларида, олтин ва кумуш, мис ва қўроғшин, рангли металл конлари, кенг дала ва йайловлар, бой табият ва ҳайвонот оламига эга бўлган воҳода пайдо бўлгани албатта беҳиж эмас.

Ана шундай беқиёс имкониятлар ҳисобидан бу ерда қадимдан деҳқончилик ва чорвачилик, металл қазиб олиш, тўқимачилик, кулолчилик ва шишасолик сингари қисбу хунарлар кенг ривож толган. Буни кўнашаҳарда мавжуд бўлган Темирчи, Мисгарлик, Дегрезлик, Уқчи, Эгарчи, Тақачи, Махсудўзлик, Қўнчилик, Парчабозлик каби кўна ва маҳаллар, гузарларнинг тарихий номлари ҳам яққол исботлаб турибди.

Айниқса, тошкентлик моҳир усталар томонидан тайёрланган жанговар қуроллар, жумладан, Шош камонлари ва ўқ-ёйлар, эгар-жабдуқ ва қалконлар дунёда машҳур бўлгани ҳам турли манбалар тасдиқлайди.

Тошкентнинг «нон шаҳри» деб етти иқлимда шўхрат қозонишига, албатта, бу шаҳарнинг қут-баракали, унмудор тупроғи, энг муҳими, шу масканда туп қўйиб, палак ёзган ота-боболаримизнинг меҳр-оқибати ва қалб саховати асос бўлганини, уйламанки, тушуниш, англаш қийин эмас.

Пойтахтимиз номига, шонига, тарихига сингит кетган бундай хусусиятлар ҳақида кўп гапирishi мумкин.

Лекин, энг муҳими, ҳар қандай ҳаётий синовлар, табиий оғирларга қарама-қарши, ўз ўрнида доимо мумкин бўлиб келаётган Тошкентнинг бугунги юксак тараққиётини кўрган инсон, бу шаҳар учун айнан шу жой танлангани тарих давомида ҳар томонлама ўзини оқлаганига тақрор ва тақрор ишонч ҳосил қилади.

Содда қилиб айтганда, бугун, орадан шунча вақт ўтиши билан Тошкентнинг айнан шу маконда ҳузур-барқарор бўлиб келаётгани оддини нафақат хайратга солади, шу билан бирга, узокни ўйлаб иш тутган, бу шаҳарга асос солган олис аждоғларимизнинг ақлу заковатига тан беришга, таъзим қилишга ундайди.

Азиз дўстлар, бир ҳолатни ўзимизга тасаввур қилиб кўрайлик. Агарки, орадан асрлар, минг йиллар ўтганидан кейин, бугунги кунда замонавий билим ва тажриба, цивилизация ютуқларига сўяниб, Тошкентдек азим шаҳар учун бошқатдан жой танлаш зарурати тўғрисида бўлса, ҳеч айқинланмасдан айтиш мумкин, яна айнан шу жойни танлашга тўғри келган бўлар эди.

Ҳар бир гишти, ҳар бир қарич еридан улуг аждоғларимизнинг излари қолган бу хосиятли заминдан номлари бутун ислом оламида маълум машҳур бўлган Имом Кафол Шойши ва Шайх Хованди Тоҳур, Хўжа Аҳрор Валий, Хофиз Кўйкий ва Шайх Зайниддин бобо, Иброҳим ота ва Кўйлик ота сингари азиз-авлиёлар, «Шошӣ», «Тошқандий» тахаллусли билим илму маърифат, дину диньнат, маданият ривожига улкан ҳисса қўшган юзлаб аллома ва мутафаккир зотлар етишиб чиққан.

Тошкент ҳақида сўз юритар эканмиз, ҳеч шубҳасиз, бу шаҳар тарихи ёрқин саҳифалар битган Амир Темур бобомизнинг муборак номи эсга олишимиз албатта табиийдир.

Соҳибқирон ҳазратлари Туркистон ўлкасида буюк ва қудратли давлат барпо этишда Тошкентнинг қандай ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини яхши тушунар эди. Шунинг учун ҳам Тошкент ҳақида ривидида темирли аждоғларимиз мустақкам кўрғонига, салтанат таянчига айланади.

Тошкент ҳамма замонларда ҳам меҳмондўст, бағрикенг шаҳар бўлгани унинг машҳур 12 дарвозаси орқали шарқу гарб, жанубу шимолдан, дунёнинг ҳамма минтақаларидан савдо қарвонлари бу масканга кириб келгани, ўз навбатида, Тошкентдан ҳам жаҳоннинг турли ўлкаларига қараб қарвонлар йўл олгани, шу тарихқа бу заминда цивилизация ва маданиятларнинг ажиб бир тарзда ўзаро уйғунлашиб кетганини, кўп-кўп мисолларда кўриш мумкин.

Азал-азалдан Тошкент азимда барча миллат ва элатларнинг вакиллари ризқ-насиба топиб, бир-бири билан аҳил ва ҳамжамият бўлиб, бир-бирига елкадош бўлиб яшаб келгани кўнашаҳар тарих гувоҳлик беради. Бу фикрни Тошкент тупроғида қадимдан мавжуд бўлган Қашқар, Турк ариқ, Эрон, Нўғой тепа, Қозоқ бозор, Қирғиз қўприқ, Тожик маҳалла каби маҳалла ва мавзелирнинг номлари ҳам тасдиқлайди.

Тошкентнинг Тошкент деб, яъни тошдек мустақкам шаҳар деб доврақ таратишида бу ерда яшаган аҳолининг асрлар давомида ёвларга қарши — бу мўғул босқини ёки араб истилоси бўладими, бошқа мустамлақачи қучлар бўладими — уларнинг барчасига қарши кўрсатган мардона жасорати муҳим роль ўйнагани шубҳасиз, албатта.

Айниқса, кейинги бир ярим аср давомида юртимиз ҳаётида қандай улкан ва ҳал қилувчи, шу билан бирга, қандай оғир ва изтиробли воқеалар юз берган бўлса, Тошкент ҳаммаи уларнинг марказида бўлиб келмоқда.

Бу ҳақда гапирганда, XIX асрнинг иккинчи ярмида чор Россияси томонидан Урта Осиёни забт этишга қаратилган қаракатларнинг дастлабки зарбасига айнан Тошкент дуч келгани ва шаҳар аҳли ўз юртини химёя қилишга бутун қуч-қувватини сафарбар қилгани тарих саҳифаларида муҳрланиб қолганини эслаш жоиз.

XX асрда бутун мамлакатимиз қатори бошига қандай оғир мусибат ва синовлар тушмасин — бу шўролар тузумининг ўрнатилиши бўладими, 20-30-йиллардаги дахлшати очарчилик ва қатагонлар бўладими, уруш даврининг қийинчиликлари бўладими, 1966 йилдаги қучли зилзила талафотлари бўладими — буларнинг барчасини Тошкент сабр-тоқат ва матонат билан энгиб ўтганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Айниқса, Иккинчи жаҳон уруши йилларида Тошкентнинг минг-миңлаб ўғил-қизлари фашизмга қарши жангларда мардона иштирок этиди. Айни пайтда у фронт ҳудудларидан қўчириб келтирилган неча ўн миңлаб инсонларни, ота-онасиз қолган болаларни «Сен етим эмассан!» деб бағрига олди, бир бурда нонини улар билан баҳам қўрди. Тошкент аҳли, эл-юртимиз томонидан кўрсатилган инсонпарварлик ва меҳрибонлик фазилятларининг ёрқин намунаси бўлиши бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Сўнгги пайтда бу муаззам шаҳарга мансуб гўзал таърифлар қаторига «Тошкент — ислом маданияти пой-

тахти» деган юксак номнинг қўшилгани ҳар қандай мурракб замонларда ҳам ўзининг миллий-диний қадриятларини сақлаб қолишга эришган пойтахтимиз, бутун халқимизга берилган яна бир муносиб баҳо бўлди.

Қадрли дўстлар!

Тошкент ҳақида сўз борганда, шу азим масканда тўғрилиб вояга етган, оила қуриб, бахт топанлар бўладими, узок-яқиндан келиб, Тошкент бағрида таълим-тарбия олган инсонлар бўладими, бир сўз билан, ўзбекиона қилиб айтганда, кимки Тошкентнинг сувини ичиб, тузини тотган бўлса, барчамизнинг қалбимизда, тасаввуримизда бу шаҳар билан боғлиқ воқеалар, ёруғ кечинmalar, ширин хотиралар жонланади. Шу маънода, Тошкент ягона Ватанимиз ифодаси, ажралмас қисми сифатида юртимизда яшайдиган ҳар қайси инсоннинг юрагидан умрбод жой олиши шубҳасиздир.

Ўзидан қилиб айтганда, ҳар бири-мизнинг ўз Тошкентимиз бор, десак, буюм ҳар томонлама тўғри бўлади.

Албатта, бугунги кунда Тошкент таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Қадимий даҳалар, тангу тор, эски қучалар ўрнини замонавий билнолар, гўзал майдон ва хиёбонлар, равон йўл ва кўприқлар, кўракма фаворалар эгаллади. Лекин пойтахтимиз қандай ўзгармасин, одам барибир болалиги, ёшлиги, илк муҳаббаты кечган жойларни беихтиёр эслайди.

Тошкентнинг файзли манзараларини, ўзи учратган, меҳридан баҳраманд бўлган маҳаллий халқ вакиллари, саховатли, дилкаш ва дономанд инсонларни, уларнинг дийдорини, сўхбатини кўрсайди, соғинади.

Биров Бешёғоч майдонини, кимдир Арпаёғоч кўчасини, яна кимдир Кўкча даҳасини ёдга олади. Яна кимдир талаба дўстлари билан Анҳор соҳилларида кечган беғубор дамларни хаёлидан ўтказсади.

Бу шаҳарда тўғрилиб камол топган Абдулла Авлоний, Мунаввар қори, Абдулла Қодирий, Ойбек, Фафур Фулом, Зулфия, Мирқарим Осим, Саид Аҳмад, Обид Содиқов, Собир Юнусов, Яҳё Фуломов, Юнус Ражабий, Шўқур Бурxonов, Улмас Умарбеков сингари — бу рўйхатни яна узок давом эттириш мумкин — ўнлаб буюк илм-фан ва маданият намояндалари халқимизнинг ижтимоий тафаккури, маънавий оламини юксалтиришга бебахо ҳисса қўшганини барчамиз ҳаммиша миннатдорлик билан эслаймиз.

Шулар қаторида Тошкентда илдиз отиб, унинг бағрида ўз истеъодо ва салоҳиятини рўёбга чиқаришга эришган минг-миңлаб машҳур ва тандошларимиз ва узок-яқин ўлкалардан келган инсонларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳам бу шаҳар тарихининг узвий бир қисмига айланиб кетганини яхши биламиз.

Мен ҳам бошқалар қатори кўнашаҳарни, унинг эски тозор қучаларини, паҳса деворли уйларини, райхон ҳиди, тандирдан узилган нон иси уфуриб турадиган файзли ховлиларни, трамвайлар кўнғироғи, уларнинг гулдураган товушини ҳали-бери яхши эслаймиз. Эски Жува, Чорсу, Хадра майдонлари, Навоий кўчаси, собиқ Галаба парки, зилзиладан олдинги Чилонзор боғлари ҳозир ҳам кўз ўнгимизда туради.

Ишончим комилки, бундай ҳиссиёт ва кечинmalar жуда кўп одамларга хос бўлиб, юртни севиш, уни жондан азия кўриш айнан мана шундай мисоллар орқали яққол намойён бўлади.

Айтиш керакки, Тошкент халқининг ҳеч кимга ўхшайдиган табияти, истариси иссиқ чехраси, ўзига хос бетакрор севаси юрагимдан чуқур жой олган бўлиб, мен бу элнинг инсоний фазилятларини юксак қадрлайман, доимо уларга муносиб бўлишни истайман.

Бугунги кунда Тошкентимизнинг ҳаёти бутун мамлакатимиз ҳаёти билан шундай узвий боғлиниб кетгани, бунинг таъсирини сезмаслик, англамаслик мумкин эмас.

Ватанимизнинг бепоён ҳудудини Тошкентда туриб, худдики тоғ чўққисидан қарагандек кузатиш, қиёслаш, тасаввур қилиш мумкин. Таъбир жоиз бўлса, Худонинг ўзи бу муаззам шаҳарни шундай юксакка қўтариб, унинг маконини пойтахт бўлишга ҳар томонлама муносиб қилиб яратган, десак, муболага бўлмайди.

Тошкентнинг барча жаҳаларда, айниқса, бунёдкорлик ва ободончилик борасида юртимиздаги бошқа шаҳарларга ўртак бўлиб, ҳақиқатан ҳам, халқимиз, миллатимиз қиёфасини, унинг моддий ва маънавий кудратини ўзида ёрқин мужассам этиб келаётгани билан ҳар қанча гурурлансақ арзийди.

Аваламбор, Тошкентнинг маркази ва юрағи бўлган, бутун халқимиз учун фахр ва ифтихор тимсолига,

кутлуг қадамжого айланган Мустақиллик майдонини бир марта кўрган инсон унга умрбод мафтун бўлиб қолиши муқаррар.

Барчамиз қаерда бўлмайлик, қайси юртларни кезмайлик, доимо Тошкентни соғиниб, унга талпиниб, сўяниб яшаймиз. Тошкентнинг тарихини еган чумчуқ Мақсадан ҳам қайтиб келади, деган нақл беҳиж айтимлаган.

Шаҳсан мен ўз ҳаётим, раҳбарлик фаолиятим давомида жаҳондаги кўплаб узок-яқин, катта-кичик мамлакатларни кўрдим. Мана, яқинда дунёнинг нариги четида жойлашган, Бразилия деб ном олган йирик давлатни ҳам бориб кўриш насиб этди.

Мен бир фикрни илғари ҳам айтганман ва уни бугун ҳам тақрорласам, тўғри тушунасизлар, деб ўйлайман. Қаерга бормайин, у ўлка қандай гўзал ва бетакрор бўлиб туолмасин, мен у ерда икки-ўч кундан ортиқ туролмайман. Қандайдир буюк, балки илҳомий бир куч мени беихтиёр ўз юртимизга, Тошкентга тортаверади.

Бундай ҳиссиётни фақат мен эмас, балки жуда кўпчилик юрдошларимиз ҳам бошидан кечиради, десам, ўйламанки, адашмаган бўламан.

Нафақат юртимизда, балки чет элларда ҳам, мен Тошкентда таълим олганман, унинг сувини ичиб, нонини еганман, мен Тошкент мактабин кўрганман, деб бу шаҳарга меҳр ва хурмат билан яшаётган миңмиңлаб одамларни учратганда, албатта, ҳаммамиз ифтихор туйғусини ҳис этамиз.

Табиийки, бугунги ёшларимизнинг ҳам ўз Тошкенти бор. Улар Тошкент деганда, авваламбор, мустақил Ватанимиз пойтахтини, энг замонавий талабаларга жаवоб берадиган мактаблар, лицей, коллеж ва олий ўқув юртларини, спорт, маданият ва маънавият масканларини тасаввур қилади.

Тошкент бугунги кунда миллионлаб фарзандларимизнинг эгу интилишларига қанот берадиган, уларнинг парвози учун янги-янги уфқлар очадиган, том маънода ёшларнинг орзусидидаги шаҳарга айланмоқда.

Лаҳтиннинг барчасини умумлаштириб, бир сўз билан айтадиган бўлсақ, биз Тошкент тимсолида Ўзбекистонни, Ўзбекистон тимсолида эса Тошкентни севамиз ва қадрлаймиз.

Барчамизга аёнки, пойтахт аҳли, деган иборада жуда катта маъно, жуда катта масъулият бор. Мана шундай юксак шароити чуқур англаб, унга доимо ўзининг амалий ишлари билан муносиб бўлиб келаётган Тошкент халқи ҳар қандай хурмат-эътиборга sazovorдир.

Мен шу юксак минбарда туриб, Тошкентни Тошкент қилган, унинг тупроғини кўзига тўтиб этиб яшаётган, кўпни кўрган, фидойи, оққўн-гил ва меҳридарё Тошкент аҳлига бош эғиз таъзим қиламан!

Хурматли юрдошлар!

Энди руҳсатингиз билан менга юклатилган шароити ва қувончи бир вазифани адо этишга ўтсам.

Сизларга яхши маълумки, юртимизда миллий давлатчиликни шакллантириш, мустақил хужукий демократик давлат барпо этиш, тинчлик ва барқарорлиқни мустаҳкамлаш, давлатлараро ҳамкорлик, халқлар ўртасидаги дўстлик муносабатларини ривожлантиришга қўшган катта ҳиссаси, эзгу аъна-наларини сақлаш, маданият, маънавий-маърифий ҳаётимизни юксалтириш, ёш авлодимизни Ватанга муҳаббат, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш борасидаги улкан хизматлари учун ҳамда 2200 йиллик юбилейи муносабати билан Тошкент шаҳри «Мустақиллик» ордени билан мукофотланган эди.

Энди катта мамнуният билан Тошкент шаҳрига ана шу юксак мукофотни топширишга ижозат бергайсиз.

Мухтарам Тошкент аҳли, қадрдонларим!

Мана шундай унутилмас лаҳзаларда сизларни бугунги кутлуг байрам билан яна бир бор табриқлаб, барчангизга сийхат-саломатлик, хондонларнингизга тинчлик-осойишталик ва қут-баракат тилаб қоламан.

Фурсатдан фойдаланиб, Тошкентнинг бугунги катта тўйини ўтказишга муносиб ҳисса қўшган нуфузли ЮНЕСКО халқаро ташкилотига, бизнинг қувончимизга шерик бўлаётган ҳоржий элчионалар ва ваколатхоналар вакилларига, узок-яқиндаги барча дўстларимиз ва ҳамкорларимизга чин қалбимдан миннатдорлик билдираман.

Юртимизнинг фахру ифтихори бўлиши азим Тошкент шаҳрининг умри боқий бўлсин!

Тошкентдек буюк шаҳарларни яратган халқимиз мангу ярасин, бахту саодати янада зиёда бўлсин! Оллоҳнинг ўзи барча эзгу илларимизда мададкор бўлсин!

(Давоми. Боши 1-бетда)

ТАРИХИ БОЙ, БУГУНИ ГЎЗАЛ, КЕЛАЖАГИ БУЮК ШАҲАР

Тошкент бугун мустақил Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги юксак нуфузи ва обрў-эътибори рамзи, ўнлаб хорижий давлатлар элчи хоналари, халқаро ташкилотлар ваколатхоналари жойлашган, саммитлар, йирик халқаро анжуманлар ўтказилаётган, тинчлик ва дўстлик битимлари имзоланаётган машҳур шаҳардир. Қадимда ўзининг 12 дарвозаси орқали Буюк ипак йўлидан ўтаётган дунё қарвонлари алоқаларини таъминлаган кўна шаҳар бугунги кунда йирик халқаро транспорт марказларидан бирига айланган.

Тошкентнинг сўлим боғ-роғлари, фусункор табияти азал-азалдан дунё аҳли эътиборини ўзига тортди келган. Шоир ва ёзувчилар, рассом ва бастакорлар ўз асарларида шаҳардаги сўлим гўшаларни жаннат боғларига қиёслаб, завқу шавқ ила таъриф берган. Ҳозир Тошкент улкан сайёҳлик инфратузилмасига эга замонавий шаҳардир.

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг 2009 йил 20 августдаги фармонида биноан, юртимизда миллий давлатчиликни шакллантириш, мустақил ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, давлатлараро ҳамкорлик, халқ-

лар ўртасидаги дўстлик муносабатларини ривожлантиришга қўшган катта ҳиссаси, эзгу анъаналарни сақлаш, маданий, маънавий-маърифий ҳаётимизни юксалтириш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш борасидаги улкан хизматлари учун ҳамда 2200 йиллик юбилейи муносабати билан Тошкент шаҳри «Мустақиллик» ордени билан мукофотланди.

Президентимиз Ислам Каримов ушбу юксак мукофот — «Мустақиллик» орденини топширди. Тантанават сўзга чиққан ЮНЕСКО Бош директорининг ўринбосари Ҳанс д'Орвил, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети профессори Абдуғафур Расулов, Республика «Нуроний» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими раиси Муҳаммаджон Зуфаров Тошкентнинг тарихий қудрати, бугунги юксак салоҳиятини алоҳида таъкидладилар. Президент Ислам Каримов раҳнамолигида Тошкентнинг дунё миқёсидаги нуфузи ва обрў-эътиборини юксалтириш борасида амалга оширилаётган ишларни алоҳида қайд этдилар.

Маросим санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг катта байрам концерти билан якунланди.

Ҳусниддин БЕРДИЕВ,
ЎЗА мухбири

(Давоми. Боши 1-бетда)

Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига

ТОШКЕНТГА ТАЪЗИМ

Тошкент — истиқлол бешиги. Бу буюк шаҳарда бундан ролпа-роса 18 йил олдин Президент Ислам Каримов томонидан Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги эълон қилинди.

Тошкент — толеи банд, тақдирига пойтахтлик мартабаси битилган улғувор шаҳар.

Тошкент — кечмиши улғу, келажаги буюк шаҳар. У ўзининг 2200 йиллик тарихи давомида қанчадан-қанча урушларни, қатағону-очарчиликларни кўрди.

Тошкент — тинчлик йўллари туташган, дўстлик ришталари боғланган, эзгулик тантанаси қилган, қудратли шаҳар.

Тошкент — нафақат Урта Осиё, қолаверса, бутун Осиё учун маданият, санъат, адабиёт, илм-фан маркази бўлиб келган.

Тошкент — истиқлол йилларида чирой очган, таъбир жоиз бўлса бутунлай қиёфаси

ўзгарган, қайтадан бунёд этилган бета қорор миллий меъморчилик ечимига эга иморатлар, боғлар, хиёбонлар, йўللар, муҳташам бинолар қад ростлаган Шарқнинг энг обод шаҳри!

Тошкент — меҳр, оқибат, бағрикенглик, тотувлик шаҳри. Унда истиқомат қилаётган турли миллат ва элат вакиллари бир оила фарзандларидек аҳил-иноқ яшай, қадимий ва ҳақиқатан навиқ рон она Тошкентимизнинг истиқбол учун меҳнат қилмоқдалар.

Тошкент — нон шаҳри. Биргина Иккинчи жаҳон уруши йилларида минглаб етимлар, боқувчисини йўқотган оилалар, ижодкорлар, олимлар бу ерга қўчирилиб олиб келинди. Тошкент ва тошкентликлар уларни ўз бағрига олди, нон-туз берди.

Тошкент — ғаймон шаҳри. Бу ерда ислом оламнинг қўллаб муқаддас қад амжолари бор.

Истиқлол йилларида Президентимиз ташаббуси билан бу меъморий обидалар, бу манзиллар обод қилиниб, янгилаштирилди, ислом дини қайтадан кўз очди, қадр топди. Тошкент ислом маданиятининг пойтахти шарафли унвонига сазовор бўлди.

Тошкент — ижод аҳли учун ихлом манбаи. Бунда Бобурнинг излари қолган. Ойбекнинг ҳайрат тўла кўзлари, Мақсуд Шайхонданнинг ниғоҳи, Гафур Ҳуломнинг овози, Зулфияxonимнинг садоқати, Чўлпону Фитрат, Абдулла Қодирий ёди, Муҳаммад Юсуф муҳаббати ҳамон кезиб юрибди. XX-XXI аср ўзбек адабиётининг энг нодир намуналари айнан Тошкентда яратилди. Тарих шаҳарларига муқаддас.

Тошкент 2200 ёшга тўлди. У ўзининг шонли тарихи, бугунги ва эртаси билан миллиятимиз фахри бўлиб қолаверди.

«ОНА ШАҲРИМ — ТОШКЕНТИМ»

Ҳар бир шаҳарнинг ўзига хос тарихи, тараққиёт йўли, эътиборга сазовор жиҳатлари бўлади. Аммо, шундай шаҳарлар борки, бой ўтмиши, бугунги салоҳияти билан дунё нигоҳида туради, инсоният тақдирини муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатимиз пойтахти Тошкент ана шундай нуфузи банд шаҳарлардан биридир.

Пойтахтимиз тарихини билиш, у бошидан кечирган синовларни, эришган ютуқларни, дунё цивилизацияга қўшган улкан ҳиссасини ёш авлод онгу тафаккурини сингдириш ўта муҳим аҳамиятга эга. Пойтахтимиз тарихи, унинг дунё ҳамжамиятида тугган мавқеини чуқур билган, англаган ёшлар қалбига табиийки, фахр-ифтихор, гурур тўғулари кучаяди, ўз юртини, пойтахтини эъзозлайди, унга му-



носиб фарзанд бўлишга интилади.

Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги арафасида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида босмадан чиққан «Она шаҳрим — Тошкентим» китоби ана шундай эзгу мақсадларга хизмат қилади деб ўйлаймиз. Лотин алифбосида chop этилган бу китоб (муаллиф ва нашрга тайёрловчи Эркин Маликов) айнан ёшларга мўлжалланган. Китобдан Тошкент тарихи ва бугунги кунини қисқача қилувчи қўллаб суратлар ўрин олган. Айни чоғда пойтахтимиз ўтмиши ва бугунги ҳаёти болаларга мос, содда, раван тилда баён этилади.

«Она шаҳрим — Тошкентим»ни ўқиган боланинг пойтахтимиз ҳақидаги тасавури кенгайди, тарихимиз тўғрисидаги билими ошади.

Мустақиллик манзаралари

2008 йил 2 декабрда Президентимизнинг «Навий вилоятда эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони иқтисодий зона учун айнан Навий вилоятни танлангани бежиз эмас. Вилоятда Менделеев жадвалидаги 117 та элементнинг айтарли барчаси мавжуд. Шунингдек, бу ерда тоғ-кон санъати, кимё, электрокимё, урансозлик, мармарсозлик, энергетика, цементсозликка оид 20 дан ортиқ корхоналар борки, уларда турли миллат ва элатга мансуб 200 мингдан ортиқ киши меҳнат қилади. Вилоятдаги аграр тармоқ — пахтачилик, пиллачилик, ғаллачилик, қоракўлчилик тармоқларини алоҳида қайд этмоқ зарур. Кўйинги, эркин индустриал-иқтисодий зонанинг Навийда, аниқроғи Карманда танлангани яна бир муҳим жиҳат машриқдан магрибга қадар чўзилган «Буюк ипак йўли»нинг худди шу кенгликдан ўтганлиги, десак, хато бўлмас.

Қадимда ушбу худудда 3


дустриал зона ижтимоий-иқтисодий дастур ҳам бўлиб, у мамлакатимизга инвестиция киритишга хизмат қилади.

Навий шаҳар аэропорти кейинги 2 йил мобайнида батамом янгидан реконструкция қилинди. Хорижий



НАВОЙ ХАЛҚАРО АЭРОПОРТИ

у ерда амалга оширилаётган улкан ишлар хусусида



та йирик бозор бўлган. Айни кезде бу ерда учиб йўлагини 6 километрага чўзиш ва уни энг ривожланган мамлакатлардаги каби мустаҳкам қилиш устида амалга оширилди олиб борилаяпти.

Агар биз ушбу аэропортни қиёвланган ҳаракатдаги интермодал логистика маркази, деб оладиган бўлсак, у Ҳамдўстлик мамлакатларида илк бора ташкил этилган ягона иқтисодий марказдир. Лоғастика, дейишимизга яна бир сабаб, бу ерда халқаро транзит юклар жуда тез туширилиб, жуда тез тақсимланади. Бунинг устига халқаро юкларни махсус омборларда қафолатли сақлаш, уларни транзит ҳолда сифат ва салмоғига зиён етказмай ғилофлаш, халқаро андазада қадоқлаш ишлари ҳам бевоқиф шу ернинг ўзида босқичма-босқич амалга оширилади.

Энг муҳими, Осиёдан Европага, Европадан Осиёга, келажақда эса бошқа қитъаларга жўнатиладиган давлат аҳамиятига молик юкларни глобал юк тизимида кириш худди шу эркин зонада ҳал этилади. Жаҳон андازасидаги логистик хизматни ўз ичига олган бу халқаро аэропорт «Кореан Эйр» бош муассис сифатида фойдаланиши учун 30 йиллик узок муддатга ижарага берилди. «Кореан Эйр» бу ерда давлатлараро уладиган энг йирик ҳаво лайнерларини ўта замонавий техник қўриқдан ўтказиб, шу ернинг ўзида керакли ёнилғи билан таъминлайди.

Қисқа вақт ичида бу ерда 140 ўринли меҳмонхона, халқаро учувчилар учун ювиниш, дам олиш хоналари барпо этилди. Халқаро аэропорт ва иқтисодий эркин зонага қараб автомобиль ва замонавий темир йўللар ётқизилди. Агрошаҳарча тарзида куриллаётган иншоотларда кенг қўламдаги бунёдкорлик ишлари олиб борилаяпти. Йўлнинг икки четига замонавий электр ёриткичлар ўрнатилди. 6,3 километрли табиий газ, 2,5 километрли ичимлик суви қувурлари ўтказилди. Бундан ташқари, шу йил март ойида Сеул шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбекистондаги сармоявий ҳамкорликка қўмақлашувчи йиғинда корейлик ишбилармонлар билан жами қиймати 52 миллион АҚШ доллари бўлган 35 та ўқи бу бунёдкорлик лойиҳаларини амалга ошириш масаласини узил-кесил ҳал этилди. Худди шу ўринда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ташаббуси билан Жанубий Кореядан лизинг асосида харид қилинган 2 та оғир юк ташишга мўлжалланган транспорт самолётлари ҳақида алоҳида айтиш жоиз. Ҳар бири 40 тоннагача транзит юк қўтариб, 7 миң километр масофага бетиҳтов уча оладиган бу хайбатли самолётлар иш бошлашга, логистика маркази салоҳияти янада ошди.

— Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги делегацияси Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти — ИХТнинг минтақавий қўшма анжумани доирасида БМТнинг Европа иқтисодий комиссияси ва автомобиль транспорти халқаро иттифоқи ҳамда мам-

лакатимизнинг Эрондаги элчихонаси ҳамкорлигида ЭИИЗнинг тақдимотини ўтказдик, — дейди биз билан суҳбатда эркин иқтисодий зона дирекцияси ижрочи директорлари Азамат Аевзов. — Мазкур тадбирда ИХТ ва аъзо давлатлар Экспедиторлик уюшмалари халқаро федерацияси, Халқаро йўл федерацияси, БМТ БИК ва унинг Транс — Европа темир йўл лойиҳаси, темир йўл транспорти халқаро қўмитаси, АТХИ сингарии халқаро ташкилотлар вакиллари ҳамда Болгария ва Украина элчихоналари масъул ходимлари иштирок этди. Тақдимот давомида унинг иштирокчиларига Навий шаҳри аэропортдаги халқаро логистика марказининг имкониятлари, зонада алоҳида божхона, валюта ва солиқ режими янги эълон этилиши хусусида батафсил маълумот берилди. Тақдимотда сўзга чиққанлар Ўзбекистоннинг бой транспорт ва коммуникация имкониятлари ниҳоятда кенглигини эътироф этди.

Дарҳақиқат, Навийдаги эркин иқтисодий зонанинг келажаги порлоқ. Яқинда бу ерда яна бир дўстона алоқалар доирасида анжуман бўлиб ўтди.

Унда иштирок этган юзга яқин корейлик ишбилармонлар делегацияси Навийдаги бунёдкорликка, яратувчанликка юқори баҳо бердилар.

Асрий қўлда чинакам оламшумул ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистоннинг эртанги буюк келажагини таъминлашда бу эзгу ишларнинг ҳам муносиб ҳиссаси бўлиши шубҳасиздир.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон ОВОЗИ» мухбири.



ҚўШРАБОТ ОБОД БЎЛМОҚДА

Мустақиллик йилларида Самарқанд вилоятининг олис туманларидан бири Қўшработ ҳам янада чирой очиб, аҳоли турмуш фаровонлиги тобора юксалиб бормоқда.

Асосан қорвачилик ва боддорчилик билан шугулланган қўшработликлар учун муносиб меҳнат ва турмуш шароити яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда сўнгги йилларда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, қишлоқларни газлаштириш, электр энергияси таъминотини яхшилаш, янги йўл ва кўприклар қуриш, хизмат кўрсатиш соҳаси, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида салмоқли ишлар қилинди.

Туман ер майдонларининг асосий қисми лалми деҳқончиликка мос. Бу ерда асосан, бошоқли дон экинлари, масҳар, қўнғабўқар етиштирилади.

— Бир юз икки мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилаётган туманимизда «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури асосида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда, — дейди туман ҳокими Тулибой Астанов. — Жумладан, йил бошидан бунён 8,3 километр масофага тоза ичимлик суви, 3,2 километр масофага табиий газ тормоқлари тортилди. Қирқовул ва Шова қишлоқларида артезиан қудуқлари қазилди.

Шунингдек, 12 километрик умумий фойдала ниладиган ҳамда хўжалиқларга ро автомобиль йўлларидаги таъмирлаш ишлари ҳам якунига етмоқда. Ун йўналиш бўйича автобуслар қатнови йўлга қўйилган. Бу йил яна 4 йўналишда замонавий автобуслар ҳаракат-

лана бошлайди.

Йилнинг биринчи ярмида туман бўйича 16 сервис ва хизмат кўрсатиш шохобчалари ташкил этилди. Жўш ва Сақсончи қишлоқларида янги ҳаммомлар қурилиб, фойдаланишга топширилди. «Иссиқнон» қорхонасига 35 миллион

рар жой бинолари қурилмоқда. Бундан ташқари, янги ўқув йили арафасида қишлоқларда 2 янги коллеж қад ростлади, 6 умумтаълим мактабида капитал реконструкция, 3 мактабда эса капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Яқин кун-

ларда эса Оқтепа қишлоғида замонавий технологиялар билан жиҳозланган гишт заводи махсусот ишлаб чиқара бошлайди.

Бундай янгилаш ва ўзгаришларни Зарминтан қони ишчи-хизматчилари истиқомат



Янги қурилган турар жой бинолари.

қилаётган Заркент шаҳарчасида ҳам кузатиш мумкин. Беш миң киши истиқомат қилаётган ушбу масканда 850 ўринли мактаб, 80 ўринли мактабгача таълим муассасаси, замонавий жиҳозланган шифохона аҳолига хизмат кўрсатмоқда.

— Утган йил шаҳарчамизда ҳар бири 8 хонадонга мўлжалланган учта турар жой биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди, — дейди Зарминтан қони уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи Абдуғафур Жонибеков. — Шунингдек, иккунгина замонавий меҳмонхона ҳам ишга туширилди. Бу йил яна 4 шундай уй қурилмоқда. 2 кotteжда эса қурилиш ишлари ниҳоясига етмоқда.


Заркентда бу йил 435 ўринли санаят ва сервис касбхона коллежи қад ростлади. Бу ерда шаҳарча ёшлари ҳамда юртимизнинг турли худудларидан келган йиғинокчилар 4 йўналишда тоғ-кон соҳаси мутахассисликлари бўйича касб-хўнар ўрганади.

Ғолиб ҲАСАНОВ,
ЎЗА мухбири
Т.НОРҚУЛОВ (ЎЗА)
олган суратлар.

Ватан ҳимояси — олий шараф!

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА ХИЗМАТ ҚИЛАМАН!»

Юракдан айтилган бу сўзлар Чирчиқ олий танкчи кўмондонлик-муҳандислик, Жиззах олий ҳарбий авиация, Самарқанд олий ҳарбий автомобиль кўмондонлик-муҳандислик билим юр்தларига қабул қилинган курсантларнинг тантанали вазиятда қасамёд қабул қилиш маросимида жаранглади.



Тинчлик, осойишталик бор жойда ўзгариш, янгилашиш, тараққиёт бўлади. Юрт янада чирой очади. Ватанни ҳимоя қилиш, қўриқлаш, асраш ҳар бир фуқаронинг муқаддас вазифаси. Аммо бу борада ҳарбийлар алоҳида ўрин тутadi. Мамлакат армияси ҳар доим сергак, жанговар шай экан, одамлар хотиржам ҳаёт кечиради. Армиянинг мустақамлиги эса унда хизмат қилаётган йигитларнинг ўз турилиб-ўсган тупроғини қанчалар севиши, шунингдек, ҳарбий илм, ҳарбий мутахассислик сирларини нечоғли эгаллаганига бевосита боғлиқ. Қуроли қуларни етук мутахассислар билан таъминлашда асосий масъулият олий ҳарбий таълим муассасалари зиммасига тушади.

Чирчиқ олий танкчи кўмондонлик-муҳандислик билим юрти ҳовлисида ота-оналар, жамоатчилик вакиллари, ҳарбий хизмат фахрийлари тўпланган. Лочин кўзи, мард, жасур, довиорақ йигитлар — курсантлар саф тортишган. Бу йил билим юртига қабул қилинган курсантлар ҳарбий қасамёд қабул қилишмоқда. Йўқ, улар қасам ичмаяпти, юраклари қариди тугён ураётган ўгли сўзларни барчаннинг гувоҳлигида баралла айтишмоқда. Уларнинг хатти-ҳаракатлари, дадил одимлари, дона-дона ва ўткир сўзларида ҳарбий касб сирларини муқаммал эгаллашга интилиш ёрқин намоён.



Мудофаа вазирининг ўринбосари, полковник Тохир Хамроқулов, билим юрти бошлиғи, подполковник Хомиджон Дадабоев ҳамда сўзга чиққан ота-оналар, жамоатчилик вакиллари йиғилганларни Ватанимиз мустақиллигининг 18 йиллиги, пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги билан табриқладилар. Биринчи босқичга қабул қилинганларни мамлакатимизнинг энг нуфузли олий ҳарбий билим юртидан бирида биринчи ўқув йилини бошлаётгани билан қутладилар. Таъкидландики, олиб борилаётган босқичма-босқич ислохотлар туфайли ҳарбийлик касбининг нуфузи ортди. Мазкур билим юртида ҳам кадрлар тайёрлаш тизими қайта қуриб чиқилди ҳамда замон талабларига мос равишда тақомиллаштириб боришмоқда. Моделлаштириш ва семуляция марказлари иш олиб бораёпти. Тадбир сўнггида биз курсантлар, ота-оналарни сўхбатга тордик.

Бундан нафақат биз, балки маҳалладошларимиз ҳам хурсанд. «Ўзи ўғлини тиришқоқ эдида», «Лицейни ҳам имтиёзли битирган эди-а?» деб табриқлашапти. Бундан қувонмай бўладими? Энди боламга ҳарбий интизомни бузмасликни, бизнинг юзимизни ерга қаратмаслигини тайинлапман. — Фарзандинг туғилса бир, улғайиб муваффақиятга эришса минг қувонар экансан, — дейди ўғлини бағрига босиб, гурурланиб турган қаршилиқ Сафар Раҳматов. — Собиржон армияда ҳам намунали хизмат қилиб, ўқишга киришди имтиёз берадиган тавсиянома олиб қайтди. Қизиқиши зўрлигидан яна ҳарбийлик касбини танлади. Тўғриси, ўзим орзу қилиб, офицер бўлолмаган эдим. Шунинг учун ҳам бугун севинчим ичimgа сиймаяпти...

Уларнинг ота-оналари ана шундай фикрларни билдиришди. Улардаги севинч, ишонч, гурур, Ватанга муҳаббат юзларида балқиб турарди. Қоматлари адл, боқишлари ўқтам, эгиларидаги кийимлари ўзларига ярашиб турган бу норғул йигитларга разм солинг-а. Улар ўз билими, ақл-заковати, қуч-қудратига ишонади, Ватан ҳимоясини олий шараф деб билади. Халқимиз эса ана шундай марду майдон фарзандлари билан гурурланади, фахрланади. — Билим юртимиз мамлакатимиз Қуролли Кучлари учун

қўрганимда «Қанийди, шундай самолётларни бошқарсам...», деб ҳавас қилардим. Мактабни ва коллежни тамомлаб, бу ерга ўқишга келдим. Муҳандислар тайёрлаш бўлинимасига қабул қилидим. Тўғриси, интизом, талаб қаттиқ. Отам пенсияда, онам уй бекаси. Ота-онамга, Ватанимга муносиб фарзанд бўлсам, уларни баломни, ақл-заковати, қуч-қудратидан, ҳавфу хатардан, ҳар қандай хуруждан ҳимоя қилсам, корига ярасам, дейман.

Харбий либос кийишни, айниқса, учувчи бўлишни орзу қилмаган ўғил бола бўлмас керак. Мен ҳам Ургутдаги ФШТЙсидаги кишлоғи устидан учиб ўтаётган самолётларни

мартга ишонч ҳосил қилдим. Ҳа, бугун «Ўзбекистон Республикаси хизмат қиламан!» дея қасамёд қабул қилган курсантлар устоз мураббийлар кўмағида ҳарбий маҳоратларини оширишга, жанговар техникани пухта ўрганишга киришадилар. Бунинг учун билим юртида ҳамма шарт-шароитлар яратилган. Мутлақо янги, замонавий техника ва ҳарбий ускуналар, қурол-яроғлар, ўқув қўланмалари улар хизматида.

Зохиддин Нормўминов 20 ёшда. Навоий вилоятининг Олтинсой кишлоғида туғилган. 1 сентябрь кун Зохиддин учун қўшалоқ байрам бўлди. У Самарқанд олий ҳарбий автомобиль кўмондонлик-муҳандислик билим юрти курсантлари сафидан ўз ўрнини эгаллади. 1 сентябрь — Ўзбекистон мустақиллиги кунда Зохиддин каби мазкур билим юртига қабул қилинган бир гуруҳ йигитлар қасамёд қабул қилди. Байрамона безатилган билим юрти курсантлар, уларнинг ота-оналари, жамоатчилик вакиллари билан тўлди. — Отам қарийб 30 йил давомида ҳарбий ёнгин хавфсизлиги бўлимида хизмат қилган, — дейди Зохиддин. — Ёшлигимдан ҳарбий бўлишни орзу қилардим. Оилада 6 фарзандимиз, акаларимнинг икки нафари ҳарбий хизматчи. Фурсат етиб, юртимга хизмат қилишдек шарафга эришганимдан жуда хурсандман. — Ўғлим Ватан хизматида муштакам бел боғлади, — дейди

Худойкул Абдуназаров. — Юртимиз тинчлиги, осойишталигини ҳимоя қилишдек шарафли ишда унга ва барча йигитларга омад ти лайман. — Биз Бухоро вилоятидан келдик, — дея сўхбатга қўшилди Юсуф Нурматов. — Менинг 3 нафар фарзандим бор. 2 ўғил, 1 қиз. Ўғилларимнинг иккаласи ҳам сена Ватан хизматида. Каттаси ички ишлар ходими. Ўғлим Муҳаммад ёшлигидан ҳарбий бўлишни орзу қиларди. Бу иштирати бугун амалга ошди. — Билим юртида 6 йўналиш бўйича мутахассислар тайёрланади, — дейди билим юрти кафедраси мудири, подполковник Акром Муслимжонов. — Курсантлар бу ерда нафақат ҳарбий илмини, балки сиёсий билимларини ҳам муқаммал эгаллашади. Улар ўз касбининг етук билимдони бўлиб етишишлари учун таълим масканда барча шароитлар муҳайё. Машғулотлар амалий, қўргазмалар қуроллар асосида ўтказилади. Таълим масканимиз йигитлари республикадаги мавжуд ҳарбий билим юртига ўртасида ўтказиб келинаётган турли танловларда фахрли ўринларни эгаллаб келишаёпти.

Харбий қасамёддан сўнг байрам тадбири бўлиб ўтди. Беҳод ШУКУРОВ, Ибрҳим ЖОНУЗОҚОВ, Абдували ХУДОЁРОВ «Ўзбекистон овози» муҳбирлари. Суратлар муаллифлари Шавкат ҚАҲҲОРОВ ва Донуғул ЖҲРАЕВА.



«ГУЛ БАЙРАМИ» Наманганда «Гул байрами» ҳар йили ўтказиб келинади. Бу йилги «Гул байрами» шаҳар марказида Заҳриддин Муҳаммад Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтди. Унда 200 дан зиёд йирик корхона, ташкилот вакиллари ва хаваскор гулчилар қатнашишди. «Нотўқимачи» ҳиссадорлик жамиятида гулчи-боғдон бўлиб ишлаб келаётган Камолжон Аълохонов байрамнинг энг олий совринини қўлга киритди. Корхонага компьютер тўплами совға қилинди. Хаваскор гулчилардан Илҳомжон Тоҳиров, Аҳмаджон Сулонов, Абдулаҳад Муродовлар уларига рангли телевизиор билан қайтдилар. Носиржон ДЕҲҚОНОВ

Урганч шаҳрининг «Юқорибоғ» маҳалласида «Сафар Саодат» хусусий фирмаси беш йилдан буён аҳолига стоматология хизмати кўрсатиб келмоқда. Аввало маҳалла фуқаролар йиғини раиси Йўлдош Эгамбергановнинг фикрларига қулоқ солайлик: «Ойбекжон шу маҳалла йиғити. Ўзи яшаётган кўчада — иморатига ёндош қилиб замонавий услубда бино тиклаб, одамларга хизмат қилиб келмоқда. Яхши дўхтирлигини — ҳар кун ташриф буюраётган мижозларининг сони ошиб бораётганидан ҳам билса бўлади. Айни пайтда у маҳалламиз фаолларидан бири. Кам таъминланган, боқувчисини йўқотган кишиларга бепул хизмат кўрсатади». Маҳалла оқсоқоли айтмоқчи, икки қаватли, шинам фирма биносига ҳавасингиз келади. Боз устига, бу ерда ўрнатил-

Эл соғлиғи — юрт бойлиги СОҒЛОМ ТИШЛАР — ИНСОН ЗИЙНАТИ Тармоқда хусусий тиш даволаш кенг йўлга қўйила бошлағач, фирма очди. Кейинчалик Италия ва Хитойда ишлаб чиқарилган энг замонавий тиш даволаш ускуналарини харид қилди. Уларда бекамту кўст ишлаш учун пойтахтимизда малака ошириш курсларида ўқиди. Ҳозир Ойбек Романов ҳамда врач Сурайё Раҳимовалар ҳар кун йўлаб беморларга малакали хизмат кўрсатишмоқда. Бу жараёнда ҳамшира Каромат Ёқубованинг хизмати ҳам таҳсинга лойиқ. — Ҳозир ҳақон стоматологияси ўта ривожланиб кетган. Бизда ҳам кейинги йилларда сифат ўзгаришлари рўй берди, — дейди Ойбек Романов, — тиш протезлари ўрнига ясама тишларни бутунлай ўрнатилди, яъни имплантация тизими ривожда келди. Ҳозирча ёндош хизмат асосан пойтахтда амалга оширилмоқда. Ниятим — жарроҳлик стоматологиясининг айнан шу янги йўналишини йўлга қўйиш. Шу босқичга Кореяга бориб, малака ошириб келишни режалаштираман... Кишиларимизнинг оғизини енгил қилаётган дўхтирнинг ниятлари рўйбоғ чиқишига тилақдормиз. Рўзимбой ҲАСАН. Суратда: Ойбек Романов ва ҳамшира Каромат Ёқубова беморни муолажа қилишга шай. Ш. Јавкот ҚҮРБОНОВ олган сурат.

BOSH MUHARRIR: Safar OSTONOV TAHRIR HAY'ATI: Abdulla ORIPOV, Latif G'ULOMOV, Asliddin RUSTAMOV, Bobir ALIMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Murodulla ABDULLAYEV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari), G'affor HOTAMOV (Bosh muharrir o'rinbosari), Muslihiiddin MUHIDDINOV, Svetlana GERASIMOVA, Andrey KUSTOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI BO'LIMLARI: Partiya hayoti 233-10-13 Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43 Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55 Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56 Reklama va e'lonlar 233-38-55, 233-47-80 Mas'ul kotib 233-72-83, 236-55-17 VILOYAT MUXBIRLARI: Andijonda — 25-32-70 Buxoroda — 223-06-02 Gulistonda — 25-46-45 Jizzaxda — 227-48-35 Navoiyda — 223-83-73 Namanganda — 226-43-43 Nukusda — 222-77-21 Samarqandda — 35-02-55 Urganchda — 517-30-58 Farg'onada — 224-18-78 Denovda — 8-37641-23-780 MANZILIMIZ: 100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY. e-mail: info@uzbekistonovozi.uz Navbatchi: Shohaydar MIRHABIBOV Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi. Korxonalar: Buyuk Tiron ko'chasi, 41-uy. Gazeta «O'zbekiston Matbuoti» va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda to'xtatib olingan. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi. 8239 nusxada bosildi. T - Tijorat materiallari ISSN 2010-7633 O'za yakuni — 23.35 Topshirilgan vaqti — 23.55 1 2 3 4 5 6 7 8 Sotuvda erkin narxda